Бутун дунё пролетарлари, оирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Газета 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган. № 225 (7715). ● 24 ноябрь, 1981 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги муносабати билан меҳнаткашлардан, партия ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг коллективларидан, Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номига кўпдан-кўп табрикномалар келди.

Табрикномалар шаҳсни уйғун камол топтириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган чинакам демократия намунаси — ривожланган социализм жамияти қурилишида Ленин партияси раҳбарлиги остида эришилган улуғвор зафарлардан совет кишиларининг фахрланиш руҳи билан суғорилгандир. Ана шу табрикномалар совет халқининг юксак маънавий-сиёсий бирлигини, унинг тарихий оптимизмини, Ватанимизни иқтисодий, социал ва маънавий ривожлантириш соҳасида КПСС XXVI съезди белгилаган планларни бажариш борасида фидокорона меҳнат қилишга, бунёдкорлик жараёнида вужудга келадиган янги мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга тайёрлигини ифода этади.

Табрикномаларда КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати батамом қўллаб-қувватланади ҳамда маъқулланади, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлидаги, планетамизда тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги кўп қиррали тинимсиз фаолиятлари учун КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик сўзлари баён этилади.

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари меҳнат ғайратини ва сиёсий активликни намойиш этиб, бизнинг муштарак манфаатларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилиб, КПСС XXVI съездининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш, беш йиллик биринчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириб юборишди. Октябролди зарбдор вахтасининг қатнашчилари ўз табрикномаларида шонли ишлари тўғрисида, қабул қилинган мажбуриятлар бажарилганлиги ҳақида, яна ҳам яхшироқ, самаралироқ меҳнат қилишга, иқтисод қилиш ва тежамкорлик ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш иштиёқлари тўғрисида рапорт берадилар. Бу кишиларимиз онглилиги ва ташаббускорлигининг, меҳнатга, ўзининг партиявий ва гражданлик бурчига нисбатан масъулиятни ҳис этишининг ёрқин кўринишидир, Бу Октябрь Ватанини янада ривожлантиришдан иборат улуғвор режалар рўёбга чиқарилишининг гаровидир.

Социалистик мамлакатларнинг раҳбарларидан, чет мамлакатлардаги коммунистик, ишчи, революцион демократик партиялардан, ҳукуматлар, давлат ва жамоат арбобларя, айрим гражданлардан ҳам қутлов хатлари келди.

Дўстларимиз совет кишиларини байрам билан қутлаб, Совет Иттифоқининг янги тузум битмас-туганмас бунёдкорлик имкониятларини очиб берган ҳар томонлама ютуқлари бахтиёр келажак учун курашаётган барча халқлар учун орзу-умид ва омил эканлигини таъкидламоқдалар. СССР, дейилади шу мактубларда, социалистик ҳамдўстликнинг сўнган тоғи, планета халқлари революцион озодлик курашининг таянчи бўлиб қолди. Табрикларда тинчлик, социализм ва ижтимоий тараққиётга мана 60 йилдан кўп вақтдан буён фидокорона хизмат қилиб келаётган Совет давлатининг изчил ленинча ташқи сиёсатига юксак баҳо берилмоқда. Империализм энг реакцион милитаристик доираларининг активлашиши туфайли вужудга келган ҳозирги мураккаб ва ҳавотирли халқаро вазиятда бу сиёсат инсониятни термоядро уруш хавф-хатаридан қутқаришга қўшилган гоят қимматли ҳиссадир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги муносабати билан қутлаганликлари ва яхши истаклар тилаганликлари учун барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флотининг жангчиларига, социалистик мамлакатларнинг раҳбарларига, чет мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар, революцион демократик партиялар, ҳукуматларга, давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек айрим гражданларга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ГФРга ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан визит билан 22 ноябрь куни Москвадан Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Совет Иттифоқи Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. М. Боголюбов, Б. П. Бугаев, В. Ф. Мальцев, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, Г. К. Цинев, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар В. А. Голиков, М. Холов, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари С. А. Лосев, В. М. Фалин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко ҳам Л. И. Брежнев билан бирга ГФРга келдилар.

Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт, А. А. Громико ва Г.-Д. Геншер мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналарда Гимних қасри томон йўл олдилар. Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар ГФРда бўлган вақтларида ана шу қасрда турадилар.

Тартиб-қоидага мувофиқ расмий учрашув тантанали маросими 23 ноябрь куни Боннда ўтказилади.

Гимних қасрига келгандан кейин Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт ўртасида дўстона вазиятда қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

Советлар мамлакати ўн биринчи беш йилликкa қадам қўйди. Халқимиз партия XXVI съезди қарорларини бажариш учун сабот билан меҳнат қилмоқда. Халқнинг ўз партиясига астойдил ишончи, унинг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги — партия қарорлари илмийлигининг, чуқур асосланганлигининг яққол далилидир. Бу гап КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми, шунингдек ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг ишига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Пленум 1981 — 1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда катта нутқ сўзлади.

Бу нутқда КПСС XXVI съездидан кейин бажарилган катта сиёсий, ташкилий ва хўжалик ишлари кўрсатиб берилди, оммани меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ошганлиги уқтириб ўтилди. Съезд қарорларини бажаришнинг бундан буёғи йўллари чуқур ва атрофлича кўрсатилди, ўн биринчи беш йиллик план, беш йилликнинг иккинчи йили плани батафсил таърифланиб, унга сиёсий ва социал-иқтисодий баҳо берилди, съезд ўртага қўйган коммунистик бунёдкорликнинг катта ва мураккаб вазифалари муваффақиятли бажарилади, деб ишонч изҳор этилди. Бу ишончга барча совет кишилари кўшилмоқдалар. Коммунистлар партияси тевирагига жипслашган халқимиз янги беш йилликни зўр умидворлик, ўз кучига ишонч туйғуси билан бошлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев беш йиллик планда белгиланган топшириқлар асосан съезд йўл-йўриқларига мувофиқ эканини уқтириб ўтди.

Ўн биринчи беш йиллиннинг бош вазифаси, КПСС XXVI съездида белгилаб берилганидек, халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатимиз ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат.

Беш йиллик планда бу вазифани ҳал этиш воситалари аниқ белгиланган, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини кучайтириш, халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш йўли мустаҳкамлаб берилган. Саноат ва қишлоқ хўжалигини узлуксиз ривожлантириш, капитал маблағни марказлаштириш, Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришни давом эттириш, ҳар бир совет республикасининг экономикасини янада юксалтириш тадбирлари кўзда тутилган. Мамлакатнинг мудофаа эҳтиёжлари пишиқ-пухта таъмин этилади.

Беш йиллик мобайнида миллий даромад 18 процент кўпаяди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 26 процент, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти (йиллига ўрта ҳисобда) 13 процент, ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти 19 процент, капитал маблағ 10,4 процент ортади.

1985 йилда электр энергия ҳосил қилиш 1980 йилга нисбатан 260 миллиард киловатт-соат, минерал ўғит (шартли бирликларда) ишлаб чиқариш 47 миллион тонна, газ қазиб олиш 195 миллиард куб метр кўпаяди. Ўғит ва газ юзасидан белгиланаётган ҳажмлар 1980 йилга нисбатан 45 процент ортади, бу — жуда юксак ўсиш процентидир!

Иқтисодий ва социал тараққиётнинг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ривожланган социалистик жамиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу эса планларимизда социал программанинг — халқ фаровонлигини оширишга, совет кишиларининг меҳнат, турмуш ва маиший шароитларини яхшилашга, уларнинг маънавий маданиятини янада юксалтиришга бевосита қаратилган мана шу программанинг етакчи ўрнини белгилаб беради, деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Миллий даромаднинг истеъмол учун фойдаланиладиган улуши ортади; истеъмол фондининг ўзи 1985 йилда 1980 йилга нисбатан 73 миллиард сўмлик миқдорда кўпаяди. Енгил саноат маҳсулотининг ҳажми беш йил ичида 19 процент ошади.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи беш йиллик мобайнида 14,5 процент, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидаги меҳнат ҳақи 20 процент ортади. Иш ҳақини оширишнинг янги катта умумдавлат тадбирлари амалга оширила бошланди. Шу мақсад учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 1985 йилда саккам 10 миллиард сўм ажратилади.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотн 1985 йилда 345 миллиард сўмликка етади (1980 йилда 268,5 миллиард сўмлик эди). Аҳолига мўлжалланган моллларнинг турларини кўлайтиришга ва сифатини яхшилашга катта эътибор берилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча корхоналарнинг маҳсулотлари муносиб шуҳрат қозонган. Бундай маҳсулотлар кўпроқ бўлиши, ҳамма корхоналар совет кишилари учун аъло сифатли ва хилма-хил моллар ишлаб чиқаришни учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш лозим.

1985 йилда иқтисодий истеъмол фондлари 144 миллиард сўмга етади ёки 1980 йилга нисбатан 23 процент ортади. Иқтисодий фондларнинг ўсиши — янги мактаблар, касалхоналар ва маданият муассасалари демакдир, социал таъминот ва маиший хизматнинг яхшиланиши демакдир. Бу — болалари бўлган оиналарга, ишлаб турган оиналарга ва янги келин-қўйларга давлат ёрдамининг кўпайтирилиши, пенсия таъминотининг яхшиланиши ва ҳоказолар демакдир.

(Давоми 2- бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВ ГФРга КЕЛДИ

БОННН, 22 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан бугун визит билан Германия Федератив Республикасига келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов Л. И. Брежнев билан бирга келдилар.

Кельн—Бонн аэропортида Леонид Ильич Брежневни самолёт зинапояси олдида Г. Шмидт, ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов табриклаб кутиб олдилар.

Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни ГФР ҳукумати матбуот ва ахборот маҳкамасининг раҳбари, статс-секретарь К. Беккер, ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретарлари Б. Фон Штаден ва Г.-В. Лаутеншлагер, ГФРнинг СССРдаги элчиси А. Майр-Ландрут ҳам кутиб олдилар.

СССР элчихонасининг, ГФРдаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари Л. И. Брежневни самимий табрикладилар. Болалар Леонид Ильичга гуллар тақдим этишди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари М. Е. Могилевец, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко ҳам Л. И. Брежнев билан бирга ГФРга келдилар.

Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт, А. А. Громико ва Г.-Д. Геншер мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналарда Гимних қасри томон йўл олдилар. Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар ГФРда бўлган вақтларида ана шу қасрда турадилар.

Тартиб-қоидага мувофиқ расмий учрашув тантанали маросими 23 ноябрь куни Боннда ўтказилади.

Гимних қасрига келгандан кейин Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт ўртасида дўстона вазиятда қисқача суҳбат бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТДА «ГАНГА» МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

23 ноябрь куни Тошкентда Ҳиндистон бадиий ҳунармандчилиги буюмлари сотиладиган «Ганга» фирма магазини очилди. Магазин Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида жойлашган. Унинг катта залларини безашда ўзбек ганч ўймакорлиги усталари қатнашдилар. «Ганга» Ҳиндистоннинг кўпгина фирмалари билан бевосита алоқа боғлаб туради.

Магазиннинг очилиш маросимида Ўзбекистон ССР савдо министри М. Ҳасанов, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихонаси элчи-министри К. П. Балакришнан сўзга чиқдилар. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликнинг муҳимлиги, бу ҳамкорлик иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, планетада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Магазин очилиши маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Л. Н. Грешов, Т. Н. Осетров, Н. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВНИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИШ МАРОСИМИ

БОНН, 23 ноябрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасига визит билан келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни расмий кутиб олиш тантанали маросими бугун ўтказилди.

Расмий кутиб олиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, Л. И. Брежнев билан бирга келган бошқа совет расмий кишилари, шунингдек СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов ҳозир бўлдилар.

Федерал канцлер маҳкама биноси олдида олий мартабали Совет Иттифоқилиқ меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, флагштокларга СССР ва ГФР Давлат байроқлари кўтарилди.

Леонид Ильич Брежневни федерал канцлер Гельмут Шмидт ғаимий кутиб олади. Улар иккала томоннинг расмий кишиларини бир-бирларига таништирадилар.

Фахрий қоровул бошлиги Совет давлатининг бошлиғига рапорт беради. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикасининг Давлат гимнлари янграйди.

Л. И. Брежневни кутиб олишда ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер, хўжалик министри О. Ламбсдорф, федерал канцлер маҳкамасининг раҳбари, статс-секретарь М. Ланштейн, федерал канцлер маҳкамасидаги давлат министри Г. Хуонкер, сиёсий партияларнинг таниқли арбоблари, Ғарбий Германия жамоатчилигининг намояндалари, шунингдек СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров ва ГФР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Г.- В. Фон Финкенштейн иштирок этдилар.

Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт фахрий қоровул сафини айланиб чиқадилар. Тантанали расмий кутиб олиш маросими тугайди.

Маросим тугагач, ГФР федерал канцлери маҳкамасида расмий Совет-Ғарбий Германия музокаралари бошланди.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Г. ШМИДТ БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

23 ноябрь куни Боннда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР федерал канцлери Г. Шмидт билан музокаралари бошланди. Музокаларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер иштирок этдилар.

Канцлер Г. Шмидт Совет Иттифоқидан келган меҳмонини табриклаб, бошланаётган музокаларнинг катта аҳамиятини ҳамда қарашлар ва манфаатлардаги мавжуд тафовутларга қарамай, СССР билан ГФР тинчликни сақлаб қолишдан ва ҳамкорликни ривожлантиришдан баб-баравар манфаатдор эканликларини таъкидлади.

Л. И. Брежнев ҳозирги учрашувдан мамнуният изҳор этди, СССР ва ГФР раҳбарларининг айниқса ҳозир дунё бошидан кечираётган мураккаб ва жуда таҳликали даврда бир-бирларига айтадиган гаплари борлигини таъкидлади. Л. И. Брежнев Г. Шмидтнинг СССР ва ГФР ўртасидаги муносабатлар характери яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшилишини уқтириб ўтди. Шу ҳол ҳам ошкоралиқни, ҳам томонлардан ҳар бирини ҳозир ташвишга солаётган нарсалар тўғрисида бемалол, тўғридан-тўғри гапиришга тайёрликни, вужудга келган вазиятдан қутулиш йўлларини таъкидлаш имкониятини беради.

Л. И. Брежнев Женевада ўтказиладиган музокараларда амалий ёндашиш ниятида эканини таъкидлади ҳамда мана шундай ёндашиш Вашингтон ва Боннда тушунилади ва муносиб тарзда баҳоланади, деб умид билдирди.

Г. Шмидт Европадаги ядро қуролларини чеклаш хусусида ўз мулоҳазалари ва фикрларини баён этди. ГФР тинчликни сақлаш ишида Совет Иттифоқининг шериги бўлиб колаберади, деди у. Федерал канцлер Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотни давом эттириш ва ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини билдирди. ГФР ўз масъулияти доирасида халқаро ривожланишни ижобий тарзда шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини уқтирди. Суҳбат давомида канцлер НАТОнинг иккиёқлама деб аталган ҳамда Европада Американинг ўртача олисликка учадиган қуролини қўшимча равишда жойлаштириш эҳтимолини кўзда тутадиган қарорини ҳимоя қилиб гапирди.

Л. И. Брежнев Рейган маъмуриятининг нейтрон қурол ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорига, шунингдек аввало Европада ядро уруш-ларига «йўл қўйиш мумкинлиги»ни аслида оқлайдиган ва асослайдиган кампания АҚШда авж олдириб юборилганига нисбатан СССРнинг муносабатини айтиб берди. Европада нейтрон қуролининг жойлаштирилиши таҳликали хавф-хатарни вужудга келтиради, бу нарса ядро уруши остонасини насайтиради, шу тарика ядро урушининг бошланиб кетиш хавфини кўпайтиради, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

Совет Иттифоқининг БМТда биринчи бўлиб ядро қуролини қўлланиш инсониятга қарши жуда оғир жиноят деб эълон қилинсин, деб киритган таклифига Ғарбий Германия раҳбарларининг эътибори жалб қилинди.

Фикрлашув чоғида иккала томон СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклашга доир музокаралар давом эттирилиши зарурлигини уқтириб ўтди.

Яқин Шарқ ва дунёнинг бошқа районларига таалуқли баъзи бир муҳим халқаро масалалар ҳам муҳокама қилинди. Ялпи тинчликка ва халқларнинг хавфсизлигига жиддий таҳлика солаётган можароларни тинч бартараф этишга кўмаклашиш зарурлигини иккала томон таъкидлади. Кескинликни юмшатишга, тинч-тотув яшаш принципларига содиқлик таъкидланди.

Фикрлашув ошкоралик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди.

Музокаралар давом эттирилади.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко;

Гарбий Германия томонидан — федерал хўжалик министри О. Ламбсдорф, ГФР ҳукумати матбуот ва ахборот маҳкамасининг раҳбари, статс-секретарь К. Беккер, ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретарлари Б. Фон Штаден ва Г. Ю.- В. Лаутеншлагер, федерал канцлер маҳкамаси ташқи сиёсий бўлимининг мудири О. Фон Габленц ГФРнинг СССРдаги элчиси А. Майер-Ландрут иштирок этдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Г. ШМИДТ БИЛАН СУҲБАТИ

23 ноябрь тушдан кейин Гимних қарорғоҳида Л. И. Брежнев билан Г. Шмидтнинг суҳбати бўлди.

Ҳалқаро аҳвол масалалари хусусидаги фикрдашувлар давом эттирилди. Жумладан, Европани ядро уруши хавфидан ҳалос қилиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ва Европа халқлари ўртасида тинч ҳамкорлик қилиш сиёсатига қайтиш проблемаларини ҳал этишга Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси қандай ҳисса қўшишлари мумкинлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

(ТАСС).

А. А. ГРОМИКОНИНГ Г.-Д. ГЕНШЕР БИЛАН УЧРАШУВИ

БОННН 23 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити доирасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер билан суҳбати бўлди.

Суҳбат чоғида баъзи бир халқаро проблемалар, шу жумладан БМТ Бош ассамблеясининг ҳозирги XXXVI сессияси ишига таалуқли проблемалар тўғрисида гаплашиб олинди.

КОРХОНА ФИЛИАЛЛАРИДА

ҚЎШИМЧА МИЛЛИОН МЕТР

Тўқув цехи томон йўл олар эканмиз, аввало ичкаридаги ҳавонинг оғирлиги, шовқининг эўрлиги хаёлимиздан ўтди. Лекин, кенг, ёруғ, кучли кондиционерлар ёрдамида ҳавоси тозаланиб туриладиган замонавий ишлаб чиқариш майдонига кириб келдик. АТПР—100—2 У маркали машиналарнинг анча тинч ишлаши эса кишига қандайдир енгиллик берарди. 300 дан зиёд тўқув дастгоҳлари орасидаги ишчилар кам сонли эди.

— Цех замонавий талаблар асосида қурилган, самарали меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган, — дейди суҳбатдошимиз филиал директори Аҳмаджон Турсунов.— Тўқимачилик комбинатининг 3-филиали қурилиши ветеран ишчилар, шунингдек, бошқа бир қатор мутахассислар таклиф ва истаклари асосида амалга оширилди. Шунинг учун илгари йўл қўйилган камчиликлар бу ерда кузатилмайди. Янги типдаги машиналар ўрнатилди. Бу эса қўл меҳнатини анча камайтирди. Дастгоҳларнинг афзаллиги шундаки, тўқув жараёнида ипларнинг тез-тез узилиб туришига олиб келадиган камчиликлардан қутулишга эришилган. Хусусан, машина мокиларининг умуман олиб ташланганлиги, ўрнида кичик ҳаво найчалари ўрнатилиб, улар ипларни босим орқали узатиб турадилар. Механизмларнинг айланиш тезлиги ҳам оширилган. Бу эса унумдорликни кўтаришда қўл келяпти. Ҳозирги пайтда бир кунда 24 минг метр хом сурп тайёрлаяпмиз. Лекин, бу бошланиш, холос. Келгуси марраларимиз бундан ҳам юқори.

Корхона цехларини айланамиз. Ишчиларнинг деярли 90 процента ёшлардан иборат. Ишлаб чиқариш участкаларидан энг қўринарли ерга эса социалистик мусобақа экрани осилиқ. Унда ҳар куни кўрсаткичлар қайд этиб қўйилган.

— Физиал учун ишчи кучи тайёрлаш кўп вақт талаб қилмади,— дейди А. Турсунов.— Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар бевосита станоклар ёнида ветеран ишчилардан амалий кўникмалар олишди. Комбинатдан чақирилган инструктор-тўқувчиларни эса кўп ушлаб туролмасдик. Чунки, уларнинг иш жойлари бўш қолганди. Бир йилдан ортиқроқ вақт ичида тиришқоқ ёшларимиз ўз ишларини пухта билган тўқувчи бўлиб етишишди.

Шу ўринда ветеран ишчи, ўттиз йиллик умрини тўқув дастгоҳлари ёнида ўтказган инструктор Рустам Абдурамановнинг ёшларни тарбиялашдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Рустам Абдураманов комбинатдан филиалга ўтиб ёшлардан ажойиб тўқувчилар, ишлаб чиқариш новаторлари тайёрлашга қатъий бел боғлади. Бўш вақтини алмай улар билан машғулотлар ўтказди. Ҳозиргача у тарбиялаган мастер ёрдамчилари 20 кишига етди. Корхонадаги 285 ишчининг деярли ҳаммаси — ветерани «устоз» деб чақиради.

Социалистик мусобақани йўлга қўйишда ҳам ветеран таклифи яхши самара берди. Меҳнат беллашувига якун ясаш ва кўрсаткичларни мусобақа экранида қайд этиб бориш ёшлар ўртасида жонланиш ясади. Ҳар бир ишчи янада унумлироқ ишлашга киришди. Инобат Тожибоева, Мастура Шамсиева, Ҳосият Исҳоқова, Зиёда Қодирова сингари пешқадам тўқувчилар етишиб чиқди. Эргашали Аҳмедов эса қобиляти мастер ёрдамчиси эканлигини кўрсатди.

Тўқувчилар йил давомида 4 миллион 640 минг метр хом сурп тайёрлаб бериш мажбуриятини олишган эди. Ҳар бир цех, ҳар бир бригада, ҳар бир ишчи юксак мажбуриятнинг бажарилишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга актив киришди. Мусобака пешқадамлари эса смена топшириқларини 110—120 процентдан бажариб, ҳамкасбларини ҳам унумли ишлашга даъват этдилар. Улуг Октябрь байрами арафасида тўқимачилар йиллик план зиёдаси билан ado этилганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекдилар: 4 миллион 641 минг метр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Эндиги вазифамиз, бу ютуқни янада мустаҳкамлаштир,— дейди корхона директори А. Турсунов. Йил охиригача пландан ташқари 1 миллион метр хом сурп ишлаб чиқаришга сўз берганмиз. Ана шу масъулиятни ҳамма чуқур ҳис этиб, қўш ғайрат билан ишга киришди. Натижада ҳозиргача тайёрланган маҳсулот 5 миллион метрга етди. Келгуси йили корхона лойиҳа қувватини ўзлаштирамиз, шунда 7 миллион 200 минг метр маҳсулот етказиб берамиз.

А. МИРАЛИМОВ.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

(Бошы 1-бетда).

Уй-жой қурилишига 93 миллиард сўм ажратилади. Жами бахш 530 миллион квадрат метр келадиган уй-жой қурилади. Бу соҳада Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида, қишлоқ районларида айниқса кўп иш қилинади [қишлоқларда ўтган беш йилликка нисбатан 30 миллион квадрат метр кўп уй-жой қурилади].

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳам ҳозирги кишиларнинг ва келажак авлодларнинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ишга ўн биринчи беш йилликда давлатнинг 10 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағини сарфлаш белгиланган.

Партия, давлат халқ фаровонлигини ошириш учун кўп иш қилмоқдалар. Аммо бу соҳада қийинчиликлар ҳам бор. Бу қийинчиликлар ҳам объектив сабаблар билан [сурункасига уч йилдан бери қурғоқчилик бўлиши, халқаро вазиятнинг чигаллашиши], ҳам субъектив сабаблар билан боғланган. Хўжалик фаолияти ва иқтисодий фикрлаш услуби, планлаштириш методлари ва бошқариш системаси етарли равишда ғайрат билан такомиллаштирилмаётганлиги, булар ҳали хўжалигимиз ривожининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ эмаслиги субъектив сабаблар жумласига киради.

Ҳозирча аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари, ип-газлама ва бошқа моллар билан таъминлашдаги узилишлар тугатилгани йўқ. Мана шу ва бошқа проблемаларни ҳал қилиш учун фақат битта йўл бор, у ҳам бўлса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экономиканинг самарадорлигини юксалтиришдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев хўжалик қурилишининг энг актуал проблемаларини ва уларни ҳал этиш йўлларини анализ қилишни озиқ-овқат проблемасидан бошлаганлиги мутлақо бежиз эмас. Озиқ-овқат проблемаси ҳам хўжалик жиҳатидан, ҳам сиёсий жиҳатдан бутун беш йиллиннинг марказий проблемасидир. Бу проблемани қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юксак суръатлари асосидагина ҳал этиш мумкин. Беш йил мобайнида дон ҳосилини йилига ўрта ҳисобда қариб 35 миллион тонна, гўшт етиштиришни эса 2 миллион тоннадан зиёд кўпайтириш кўзда тутилган. Гарчи беш йиллик ҳаддан ташқари қурғоқчил йилдан бошланган бўлса ҳам, партиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни муттасил тез ўстириш соҳасидаги йўл-йўриқлари ўзгартирилиши мумкин эмас.

План топшириқларини бажариш учун қишлоқ хўжалигидаги ишларни иқлим иниқиқликларига гоят моҳирона мувофиқлаштириш, маҳаллий шароитларни аниқроқ ва қатъийроқ эътиборга олиш, зарур техника ва технологиядан шу шароитларга асосланиб фойдаланиш, ўсимликларнинг ҳар бир регион учун энг серҳосил навларини экиш, мелиорацияни ривожлантириш, ўғитдан самарали фойдаланиш зарур.

КПСС XXVI съезди халқни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳам қишлоқ хўжалигининг, ҳам кўпгина бошқа тармоқларнинг яхши ишлашини талаб қилишини эътиборга олиб, комплекс озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишни зарур деб ҳисоблади.

Бу, шубҳасиз, мураккаб, ижодий ишдир. Чунки, деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, қишлоқ хўжалигининг ўзидаги, саноатнинг қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи тармоқларидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, асраш, қайта ишлаш, ташиш ва савдо қилиш системаларидаги куч-ғайратларни бир бутун қилиб бирлаштириш осон иш эмас. Ягона пировард мақсадга эришиш: мамлакатга зарур миқдордаги ва турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини бериш учун кучғайратларни бирлаштириш лозим. Маҳаллий озиқ-овқат ресурсларидан, ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан тўлатўкис фойдаланиш зарур. Бу ишдаги ҳар қандай ташаббус қўллаб-қувватланиши керак.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишда иқтисодий механизмни ва бошқарув системасини такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин олади. Бу ўринда гап қишлоқ хўжалигини ва умуман аграр-саноат комплексини бошқариш тўғрисидагина эмас, балки аввало жойлардаги, колхоз ва совхозлардаги, район бўғинидаги бошқарув тўғрисида бормоқда. Қайси ерга қандай экинни экиш, у ёки бу ишларни қачон бошлашсингари масалаларни бошқа ҳеч ким эмас, колхоз, совхоз ҳал қилиши керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлигини ўстириш ва оширишни ҳар томонлама рағбатлантирадиган, колхоз ва совхозларнинг, аграр-саноат комплексн барча бўғинларининг ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланадиган, уларни пировард натижани кўпроқ ишлашга мажбур этадиган иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш лозим. Кўпгина колхоз ва совхозлар зарар кўраётган бир пайтда уларга хизмат қиладиган ташкилотлар фойда ва мукофот олиши каби ҳолатга барҳам бериш пайти келди. Колхоз ва совхозлар аграр-саноат комплексининг асосий бўғини бўлиб қолиши лозим, чунки ғалла, сабзавот, мева, гўшт ва сутни колхоз ва совхозлар етиштириб беради, озиқ-овқат етиштириш планларини бевосита улар бажаради. Бошқа ҳамма бўғинлар шу бўғинга хизмат қилишлари, ҳали ҳам кўпинча учраб турганидек, ўзларининг, баъзан, ғаразли манфаатларини кўзламанликлари керак.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленумларидан бирида озиқ-овқат программасини муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифни Пленум қатнашчилари маъқуллаб кутиб олдилар.

Хўжалик механизмини, халқ хўжалигини бошқариш системасини такомиллаштириш проблемасига, Сиёсий бюро-нинг фикрига кўра, Марказий Комитетнинг навбатдаги пленумларидан бирининг бағишланиши мақсадга мувофиқ бўлган яна бир проблемадир. Бу соҳада бирталай иш қилинди. Аммо қаёт бир жойда турмайди. Тармоқлараро ва ички тармоқ алоқалари кўпайиб, мураккаблашиб бормоқда, жуда катта хўжалик организмимизнинг бўғинлари уюшқоқлиги бир-бирига мувофиқлигининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бутун хўжалик механизми XXVI съезднинг «Экономика тежамли бўлиши керак» деган талабига мувофиқ ҳолга келтирилиши лозим. Аммо бунинг учун ҳали барча жойда ҳам ҳамма иш қилинганги йўқ ва қилинаётгани ҳам йўқ. Кўпгина тиғиз планларни қабул қилиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш корхона ва бирлашмаларга манфаатли бўлмаяпти. Масалан, станоклар ишлаб чиқариш ёки нон ёпиш тўғрисида ёҳуд транспортнинг ишини баҳолашдаги тонна-километрлар ҳақида гап борганида тонналар ёки сўмлар билан ҳисобланадиган машъум «ялпи кўрсаткич» аслида исрофгарчиликка, нақадар қиматроқ, нақадар вазминроқ бўлса, план мукофот ва бошқа неъматлар учун шу қадар яхши, деган принцип асосида ишлашга судрайди. Материал-техника таъминотини анча яхшилаш лозим: гарчи вақтинчалик бўлса ҳам таъминотдаги узилишлар кўпгина корхоналар ва қурилишлардаги ишни мутлақо издан чиқариб юборади.

Бошқарувни, хўжалик механизмини такомиллаштириш масалалари унчалик кўп чиқим талаб қилмайди, аммо улардан гоят сезилари самара олинади. Шу масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитети билан Министрлар Советининг 1979 йил 12 июльда махсус қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат қабул қилингандан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, иш ўрнидан тузукроқ қузғалгани йўқ, қарор суст, ярим-ёрти татбиқ этилмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи партия органларининг, СССР Госпланнинг, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг диққат-эътиборини шу қарорни ҳеч сўзсиз ва кечиктирмай бажариш гоят зарурлигига қаратади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш, капитал қурилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштириш проблемаларига катта эътибор берилган. Гарчи планда ёқилғи ва энергия ишлаб чиқаришни сезиларли равишда ўстириш кўзда тутилган бўлса ҳам, мамлакатнинг эҳтиёжлари тез ортиб бормоқда. Ёқилғи ва энергияни тежашнинг ҳамма омиллари ва воситаларидан фойдаланиш зарурлиги мана шундан келиб чиқади. Капитал қурилиш соҳасида капитал маблағни озроқ ўстириб, асосий фондларни ишга туширишни анчагина кўпайтириш кўзда тутилган. Компенсация битимлари асосида қурилаётган объектларни доимо диққат марказида тутиш зарур.

Капитал маблағнинг жами ҳажмини ўн процент кўпайтирган ҳолда миллий даромадни 18 процент ошириш кўзда тутилганлиги айтиб ўтилди. Бунинг маъноси шуки, ҳамма ресурслардан яхшироқ фойдаланиш планга асос қилиб олинган. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирлари ҳам кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда, уни интенсивлашда фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди, бу эса илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўяди. Пленум фан соҳасидаги куч ва маблағнинг сочиб юборилишига чек қўйишни, илмий ва техникавий ечимлар замонавий талабларга мувофиқ бўлишига, янги техника ва технология ҳеч кечиктирмай жорий этилишига эришишни талаб қилди.

Ҳозирги ноқулай демография вазияти шароитида меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш муҳимдир. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа қўл меҳнатини тезроқ қисқартиришдан иборат, ҳозир умуман саноатдаги ишчиларнинг 40 процентга яқини, қурилишдаги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчиларнинг бундан ҳам кўпроқ қисми қўл меҳнати билан шуғулланмоқда. Айниқса қўлда бажариладиган оғир меҳнатни қисқартиришнинг комплекс программасини аниқ мақсадни кўзлаб ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарур.

«Социализм ижтимоий тузуми замиридa,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи — меҳнат аҳлидан оқилона ва инсонпарварлик билан фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари яшириниб ётибди. Мана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш лозим».

1982 йилги планга келганда, Марказий Комитет Пленумида уқтириб ўтилганидек, унда мўътадил ўсиш суръатлари кўзда тутилган. Планни қабул қилиш чоғида реал имкониятларга қатъият билан асосланган партия ниннг сўзсиз бажарилишини ҳам шундай қатъият билан талаб қилади. Планларга ўтишда йўл қўйилганидек тузатиш киритилишига тоқат қилиб бўлмайди. План тасдиқланганидан кейин қонунга айланади, ишчидан тортиб министргача— ҳамма планга қонун деб қарашга мажбур. Партия 1982 йилги план бажарилибгина қолмай, шу билан бирга ошириб бажарилиши ҳам керак, деган вазифани қўймоқда.

Муваффақиятли ишлаш учун,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— Советлар мамлакатида ҳамма нарса: юксак даражада ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлар, совет халқининг социал-сиёсий ва маънавий бирлиги, олга томон ҳаракат қилишининг КПСС XXVI съезди қарорларида ифодалаб берилган аниқ стратегияси бор. Ҳозирги ва бутун партиянинг иқтисодий қурилиш соҳасидаги ташкилотчилик иши савиясини янада баланд кўтаришга боғлиқ. Бошлангич партия ташкилотларининг жанговаллигига жуда катта аҳамият берилмоқда: меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, бинобарин, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай меҳнат қилаётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

1982 йилда мамлакат ССР Иттифоқининг 60 йиллигини нишонлайди. Касаба союзлари ва комсомолнинг бўлажак съездлари билан бир қаторда бу юқсак партия билан халқ бирлигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тағин ҳам маҳкамроқ жипслашуви, оммаининг сиёсий, ижодий активлигини юксалтириш учун янги қудратли омил бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қабул қилиб, 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планн, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планн ва 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади. СССР Министрлар Советига мазкур лойиҳаларни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинди.

Партия XXVI съезди ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсат, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги стратегик йўлни амалга ошириш борасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолияти тўла-тўкис маъқулланди.

Пленум иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, партия ташкилотларига, совет, касаба союз ва комсомол органларига, министрликлар ва идораларга КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қондалар ва хулосаларга амал қилиб, бутун диққат-эътиборни шу йилги топшириқларни муваффақиятли ado этишга, 1982 йил планини ва умуман беш йиллиини тўла ва ошириб бажаришга қаратишни таклиф қилди. Шу мақсадда бутун кучғайрат партиянинг энг муҳим кўрсатмасини ҳал этишга — халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, уни интенсивлаштиришга сафарбар этилсин. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан иложи борича кўпроқ фойдаланилсин. Капитал қурилишни анча яхшилашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Металл, электр энергия, ҳом ашё ва материаллар, молиявий ва меҳнат ресурслари оқилона ва тежаб сарфланишини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилсин, экономикамиз тежамли бўлмоғи учун ҳамма ишлар қилинсин, фаннинг роли ошириласин, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари фаолиятида янада самарали натижаларга эришилсин, экономикани планлаштириш ва бошқаришни янада яхшилаш, хўжалик юритиш услуби ва методларини такомиллаштириш соҳасидаги ишлар сабот билан ўтказилсин.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ўстиришга, биринчи навбатда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга эришилсин.

Партия белгилаб берган катта миқёсдаги вазифалар ҳар бир тармоқдан, ҳар бир иттифоқдош республика, ўлка, область, шаҳар ва райондан, барча меҳнат коллективларидан резерв ва имкониятларни янада тўла-тўкис ишга солиш соҳасидаги куч-ғайратларни кўпайтиришни талаб қилаётганлигини Пленум таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳар бир погонасида уюшқоқликни, ишчанликни ошириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият берилиши лозим.

СССР Олий Совети 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги Давлат планини ва Давлат бюджетини тасдиқлади, шу тарика бу ҳужжатлар қонун кучига эга бўлиб колди.

Эндиги иш КПСС Марказий Комитети Пленуми билан СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир коллективнинг онгига етказишдан ва бу қарорларни бажариш учун улар аниқ нима иш қилишлари керакligини белгилаб беришдан иборат. Қурилишимизнинг ҳар бир участкасида меҳнаткашларнинг муваффақиятли ишлаши учун энг қулай шароитларни яратиб бериш, план топшириқларининг бажарилишини ўз вақтида назорат қилиб туриш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг, СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини пропаганда қилишда матбуот, радио ва телевиденининг роли жуда катта, улар муваффақиятларимизни атрофлича, яққол ва мароқли кўрсатиб беришлари, оммаининг ташаббусини фаол қўллаб-қувватлашлари, резерваларни аниқлашда ва улардан фойдаланишда, камчилик ва қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беришлари лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини, Пленумнинг ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини партия, бутун совет халқи баланд руҳ билан астойдил маъқуллаб кутиб олди. Бу ҳужжатлар жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига тортди.

Бизнинг планларимиз—бунёдкорлик планларидир. Бу планларни рўёбга чиқариш учун тинчлик керак, халқаро ҳамкорлик ривожлантирилиши, кескинликни юмшатиш сақлаб колиниши ва чуқурлаштирилиши зарур. Ленин партияси, Совет давлати халқларининг тинчлиги, хавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун энг изчил курашчиларидир, шу туфайли улар ер юзидаги меҳнат аҳлининг, холис ниятли барча кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлганлар ва бўлиб қоладилар.

Ўн биринчи беш йиллик совет халқи тарихий зафарларга йўлидаги яна бир шонли босқич бўлиб қолиши лозим ва шундай бўлади ҳам. Партия Марказий Комитети коммунистлар, барча меҳнаткашлар социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздирадилар, ўн биринчи беш йиллигини зарбдор меҳнат билан, КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга ошириш йўлидаги курашда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдирди.

(«ПРАВДА» газетасининг 21 ноябрдаги бош мақоласи).

ПАХТАКОРЛАРИМИЗНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

Ҳиссамиздан фахрланамиз

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ниҳоясига етмоқда. Ўтиб бораётган йилимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати қувончли воқеаларга бой бўлаяпти. Совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигини ривожлантиришда, турмуш маданиятини ўстиришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ютуқларда областимиз, шу жумладан районимиз меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Бугун ўлкамиз узра яна бир хушхабар тарқалди. Пахта тайёрлаш бўйича зиммага олинган юксак социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Ўтилган тонтоғ хирмонларга ҳамма завқ-шавқ билан боқаяпти. Бинобарин, бу хирмонларда деҳқон ва олимнинг ҳам, ишчи ва зиёлининг ҳам, ўқувчи ва студентларнинг ҳам ҳиссалари бор. Уларнинг уюшқоқлик билан қилган меҳнатлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ишлари туфайли етиштирилган хосилнинг барчаси қисқа муддатларда йиғиштириб олинди.

Бу йилги баҳор чигит экишга биромунча қулай келган бўлса-да, аммо ёзнинг дастлабки кунларида ҳавонинг пасайиб кетганлиги деҳқонлар учун кўпгина қийинчиликлар келтириб чиқарди. Ғўзанинг ривожи сусайди, ҳосил тўплаш кечикди. Шундай палларда район партия комитети, хўжалик партия ташкилотлари ва раҳбарлари, мутахассислар ғўза парваришини кучайтириш, зиммадаги мажбуриятни қоплайдиган даражада қисқа муддат ичида юзасидан зарур агротехника тадбирларини амалга оширишга киришдилар. Парваришни жадаллаштириш ва сифатини ошириш юзасидан зарбдор юз кунлик эълон қилинди. Мавсумда ғўза парвариши намуналари йўлга қўйилган пайкалларга сифат белгиси бериб борилди. Мусобақа илғорлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилди. Бутун иш Тошкент технологияси асосида ташкил этилди.

Пахта йиғим-терими даврида районимиз колхоз ва совхозларида 286 та терим машинаси ва бошқа хил техника воситалари тинимсиз ишлади. Улар 21 та терим-транспорт отрядига бирлаштирилди. Ҳар бир терим-транспорт отрядида муваққат партия ва комсомол группалари тузилди. Улар машина ва тележканинг унумли ишлаши устидан назорат қилиб бордилар, механизаторлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бердилар. Техника шарофати билан терим суръати соат сайин ошиб борди. Кўчкор Раҳимов, Умрзоқ Қуроллов, Саъдулла Деҳқонов, Турғун Худойёров каби азамат механизаторлар терим машиналаон имкониятларидан тўла фойдаланиб, мавсум давомида бункерлардан 300 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкдилар.

Мўл ҳосил учун бошланган кураш йиғим-терим даврида яна ҳам қизғин палдага кирди. Механизаторлараро, теримчиларарo мусобақалар ташкил этилди. Бу соҳада «Гулистон» ҳамда Тельман номли колхозларнинг бошлаётгич-ларга ташкилотлари бошқаларга ибратли ишларни амалга оширдилар. Кўрилган тадбирлар туфайли бу хўжаликлар областда биринчилар қатори маррага етиб келдилар. «Гулистон» колхози пахтакорлари ҳар гектар майдондан салкам 46 центнердан, Тельман номли колхоз азаматлари эса 43 центнердан хирмон кўтариб катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар бор имкониятларини тўла ишга солиб, ўн иккинчи кунида дастлабки маррани эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Районимиздаги Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозларнинг пахтазорларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Свердловликлар давлат хирмонига 7 минг тонна, охунбобоевликлар эса 6 минг тонна «оқ олтин» армуғон этдилар.

Свердлов номли колхозда пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Колхоз деҳқонлари бу йил 1979 йилга нисбатан 3 минг тонна кўп ҳосил йиғиштириб олдилар. Ҳосилдорлик тўққиз центнерга ўсди. Охунбобоев номли, Тельман номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида ҳам ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпроқ пахта етиштиришга эътибор кучаймоқда.

Илғорлар ҳиссаси билан районимиз меҳнат аҳли областда учинчи бўлиб давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли бажаришга эришди. Пиллик план 9 октябрда, яъни 19 иш кунида шараф билан бажарилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги арафасида эса зиммадаги социалистик мажбурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Она-Ватан хирмонига 52 минг тонна Пискент «оқ олтин»и ҳадя этилди. Бугунги айёмгача яна минг тоннага яқин пахта йиғиштириб олдик.

Бу йил район бўйича олинган ҳосил гектар бошига 38 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 85 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Техника шарофати билан жами ҳосилнинг салкам 47 минг тоннаси пўлат этаклардан тўкилди. Ҳар бир агрегат ҳисобига ўрта ҳисобда 167 тоннадан пахта териб олинди.

Кейинги йилларда районимизда юқори ҳосил усталари сафи яна ҳам кенгайди. Москвада КПСС XXVI съезди ўз ишини бошлаган кезларда бир группа илғор пахтачилик бригадалари аъзолари бу йил гектар бошига 50—60 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш бўйича ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Мавсум давомида бу ташаббус барча хўжаликлар бўйлаб кенг қанот ёйди. Ғўза парвариши жараёнида юздан ортиқ бригада аъзолари ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, ҳосилдорликни бу йил белгиланганидан 4—6 центнер ошириш юзасидан янги мажбуриятлар қабул қилдилар. Ташаббуснинг қудратли кучини бугун биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Мавжуд 170 та пахтачилик бригадасидан 10 тасида ҳосилдорлик 50 центнердан, 50 тасида эса 40 центнердан юқори бўлди. 65 та бригадада эса район бўйича эришилган кўрсаткичдан юқори ҳосил олинди.

Бугунги шодиёна кунларда биз «Гулистон» колхозидан область Совети депутати Абдуғани Назарқулов, Тельман номли колхоздан Азиз Чахалов, «КПСС XXVI съезди» совхозидан Очил Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадалар кўрсатган жасоратни алоҳида тилга олиб ўтмоқчимиз. Улар бор билим ва тажрибаларни ишга солиб об-ҳаво ниҳоятда ноқулай келган йилда ҳам гектар бошига 50—55 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга муваффақ бўлдилар.

Салкам 53 минг тоннали хирмонни бунёд этишда районимизнинг барча меҳнаткашлари, шу жумладан Одмалик шаҳри, Октябрь, Сергели, Оҳангарон районлари саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, ўқув юртларининг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Пахта йиғим-терими бошланган кезларда шаҳарлик биродарларимиз бизга ёрдамга келдилар. Улар кучи билан ҳосилнинг кўпгина қисми йиғиб-териб олинди. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ва қабул қилишни намунали уюштириш мақсадида ташкил этилган коллективларарo мусобақа яхши самаралар берди. Бу тадбирлар терим суръатини ошириш ва ғалаба оларини янада тезлаштириш имконини берди, зафар жарраси эгалланган шу қутлуғ кунларда пахта йиғим-терими қатнашчиларини улкан меҳнат ғалабаси билан чин қалбдан қутлаймиз.

Энди асосий эътибор янги йил ҳосилига пухта замин яратишга қаратилмоғи керак. Районимиз деҳқонлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1982 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни муваффақиятли ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан ҳосилдан бўшаган ерларни озиқлантириб, шудгорлашни бошлаб юбордилар. Ҳеч шубҳа йўқки, районимиз меҳнат аҳли янги йилда ҳам янги зафарлар қучиб Ватанни янада мамнун этадилар.

У. БАҲОДИРОВ,
Пискент район партия комитетининг биринчи секретари.

Республикамизнинг улкан

СЎЗ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ улкан «оқ олтин» хирмонини барпо этишда пахта далалари гвардиячилари — шоили механизаторларнинг ҳиссалари айниқса катта бўлди. Улар мўл ҳосил етиштиришда ҳам, уни қисқа муддатда йиғиб-териб олишда ҳам фидойилик, юксак маҳорат намуналарини кўрсатдилар.

Пойтахт областимиз механик ҳайдовчилари меҳнат шижоати ҳаммани қойил қолдирди. Областимизда пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятларнинг республикада биринчи бўлиб бажарилишида техника, уларни бошқарган моҳир механизаторларнинг тадбиркорликлари ҳал қилувчи аҳамият роль ўйнади.

Қуйида пахтазор марду-майдонлари — илғор механик ҳайдовчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

ДАЛА — БУНКЕР — ПУНКТ

Ипатоволикларнинг илғор иш услуби асосида машина теримини шундай ташкил этдик. Хўжалигимизда учта терим-транспорт отряди тузилди. Уларга «зангори кема»лар билан биргаликда транспорт тракторлари ва тележкалари ҳам биркитиб қўйилди. Механик-ҳайдовчиларимиз «зангори кема»ларида терган пахталарини бевосита даланинг ўзида тележкаларга бўшатдилар. Бу «оқ олтин» карвонлари пахтазордан қабул пунктлари томон йўл олди.

Машина теримини пухта ташкил этиш, хўжалигимизда қунига йиллик планнинг 10 процента миқдорида пахта тайёрлаш имконини берди. Натижада давлатга пахта сотиш планлари ва социалистик мажбуриятлар қисқа муддатда бажарилди. Механик-ҳайдовчиларимиз ялпи ҳосилнинг 90 процентга яқинини машиналарда териб бердилар.

Терим техникасидан юксак унум билан фойдаланиш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада ҳамкасбларим Раҳим Султонов, Турсунбой Туроповлар юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар пўлат этаклардан хирмонга 180—200 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

Мен ҳам агрегатимда 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим. Машинамнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш, ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлаш туфайли 230 тоннадан кўпроқ пахта териб қўйдим.

Эркин РУЗИЕВ,
Урта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

ҲАР ДАҚИҚА ҲИСОБДА

Хўжалигимизда терим тақдири механизаторлар қўлида, деб бежиз айтишмайди. Чунки ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг 90 процента ва ундан ҳам кўпроғи машиналарда саранжом-саришта қилинади.

Бу масъулиятни чуқур ҳис этган механик-ҳайдовчиларимиз мавсумга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрадилар. Терим агрегатлари барвақт ва сифатли ремонтдан чиқарилади. Ғўза дефолиациясини ҳам энг қулай муддатларда ўтказиш чораларини кўрамиз.

Машина терими бошлангандан сўнг эса ҳар бир дақиқа ҳисобда бўлади. Колхозимизда ҳар бир пахта териш машинасига 4 тадан тележка бириктилади. Ҳар иккита машинага эса биттадан транспорт трактори ажратилади. Шунингдек, ёнилғимойлаш материаллари ҳам бевосита пахтазорга етказиб берилади. Кўчма устахоналар механик ва слесарларни эса «зангори кема»ларнинг техника қаровини ҳам бевосита пахта далаларида ўтказадилар.

Бу бизга бутун эътиборни теримга қаратиш, ҳар бир соат ва дақиқадан унумли фойдаланиш имконини беради. Асосий механик-ҳайдовчилар тушлик қилаётган пайтларда улар машинасини ёрдамчи механизаторлар бошқарадилар.

Колхозимизда бу йилги мавсумда ҳар бир пахта териш машинасининг ўртача иш унуми 145 тоннани ташкил этди. Механик ҳайдовчиларимиз ялпи ҳосилнинг 95 процентини «зангори кема»ларда териб бердилар.

Қад кўтарган юксак «оқ олтин» хирмонида шахсий ҳиссам борлигидан фахрланаман. Мен бу йилги мавсумда машинам билан 220 тонна пахта тердим.

Суюн ЭРГАШЕВ,
Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

ТУРГАН БИТГАНИ БАРАКА

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида совхозимиз пахтакорлари барака ҳирмон уйдилар. Улар Ватанга 11200 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этиб, юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналарда йиғиштириб олинди.

Ҳа, ҳозирги пайтда машиналар терим суръатига қанот бахш этмоқда, хирмонга қутбарака киритяпти. Бунинг илғор механик-ҳайдовчилар натижалари кўрсатиб турибди. Хўжалигимиз дала гвардиячиларидан Козим Умиров, Фозилжон Аҳмедовлар мавсумда машиналари билан 230—250 тоннадан пахта теришди.

Бу йилги мавсумда мен ҳам ҳар качонгидан зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдим. Машина теримининг долзарб палласида эрталабдан ярим кечагача пахтазордан чиққаним йўқ. Фидокорона меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Пўлат этаклардан 265 тонна «оқ олтин» тўкиб, совхозимиз механик-ҳайдовчилари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқдим.

6 миллион тоннали марра эгалланиб, интернационал бурчга садоқатимизни яна бир марта намойиш қилганлигимиз қалбимизни қувонч ва севинча тўлдиряпти. Лекин бизни олдинда ҳали забт этилмаган янги «оқ олтин» тўққиз қутлаяпти. Бунинг учун келгуси йил мўл ҳосилига ҳам мустаҳкам замин яратмоқдамиз.

Илаш ХОЛБОЕВ,
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозининг механик-ҳайдовчиси.

УРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари етиштирилган ялпи пахта ҳосилининг 90 процентини бункерлардан тўкдилар. Механизаторлар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада Бектурган Абдиҳаиров бошлиқ бригаданинг «пўлат от» суворийси Расул Палсвдов пешқадамлик қилди. У ўз терим машинасида 120 тоннадан ошириб «оқ олтин» терди. Суратда: Илғор механизатор.

А. Мальцев фотоси.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

● Областимиз пахтачилиги тарихида бу йил биринчи марта 491,5 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони уйилди. Ҳар гектар майдондан 36,2 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Азамат механик-ҳайдовчилар ялпи ҳосилнинг 413 минг тоннасини «зангори кема»лар бункерларидан тўкдилар. Барча районларда пахта тайёрлаш планлари ошириб бажарилди.

● Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида сбластимиз лубкорлари ҳам мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар. Давлат қабул пунктларига 336.006 тонна канопояси етказиб берилди. Бу планда белгиланганидан анча ортиқдир.

● Боғбонларимиз қабул пунктларига 97.058 тонна узум ва 86.212 тонна мева топширишди.

Коммунистик районн пахта тайёрлаш пунктида пахтакорларимизнинг олтин қўллари билан яратилган «оқ олтин» хирмонлари.

А. Абалян фотоси.

ЗАФАР ТАҒОНАСИ

Қўш ноғора чалиниб пойтахтни уйғотганда,
Юртим зафар тонгининг ёғдусига ботганда,
Танти бобо деҳқоним меҳнат болин тотганда,
Қоғозга туша бошлар ният қилган достоним.
Ўзинг сарлавҳадирсан унга, Ўзбекистоним!

Шундадир издиҳомнинг султони—бахшилар ҳам,
Ўтага йиғитлару қаломи яхшилар ҳам,
Шунда—ўтли нигоҳлар, соғиниб боқишлар ҳам,
Дўстлик меҳрига пайванд менинг жону-жаҳоним,
Дўстлик машъалин тутиб фахр эт, Ўзбекистоним!

Юртим—суюк Ватаннинг қуёшлиси, гуллиси,
Октябрдан нур олган мудом ойдин йўллиси,
Бу кез «Лазги» ярашган ўлкалар ёшуллиси,
Хуршиди мунавварим, сўнмас моҳи—тобоним,
Меҳмонига таъзимда мезбон, Ўзбекистоним!

Гурунгларга ўғлонлар, барчин қизлар келадир,
Нақ кўклардан узилиб шўх юлдузлар келадир,
Соқийнинг алёрига сара сўзлар келадир,
Сен ҳам бир соҳибжамол, гулюз, қошин камоним,
Жаннатларга бергувсиз сулув Ўзбекистоним!
Бу жасорат чўққиси, кўк баробар хирмон—шу,
Етмиш иккн томирга қувват шудир, дармон—шу,
Бу кун ушалган орзу, кечмишдаги армон—шу,
Баҳри илҳомим менинг, чашмам, обн-равоним,
Шамоли мисли қўшиқ, куйчи Ўзбекистонним.

Ушбу тилло тоғлари мисқоллардан бўлди жам,
Ўз сўзли халқимизнинг бахти унда мужассам,
Муаззам китоб бўлур таърифин тугал ёзсам,
Яшамоқ шукронасин такрорлар ҳур забоним,
Алп юртларнинг сардори—пурдил Ўзбекистоним!

Муболаға эмасдир рўйи-рост айтсам бу он,
Йўқдир этак тутмаган далангда бирорта жон,
Зафар нашидасига бағринг очгил, Онажон,
Нечоғлиқ «оқ олтин»га, олтин зотларга конинг,
Дилим сурури, кўзим нури — Ўзбекистоним!

Охорлик саруполар яхши кунга турсин деб,
Тоғларим ҳамиша тўйларга буюрсин деб,
Еш-қари суюнчилаб юрсин деб, югурсин деб,
Муроди ҳосил бўлган, ҳорма эй қадрдоним,
Баҳодирлар сафида яйра, Ўзбекистоним!

Кремлга йўлланган муждалар муборакдир,
Бу—фидойи халқимнинг мардлигидан даракдир,
Бугун шоённ даврон қасидалар керакдир,
Сахий замнним менинг ва беғубор осмоним,—
Саодатли умримга кўзгу, Ўзбекистонним!

Шодлигинг — авжи баланд катта ашулаларда,
Пой туйғулар барқ урар дарёйи шуълаларда,
Дунёларни қучгулик шу заррин толаларда, —
Иқболи намоённим, истиқболи аёним,—
Инқилоб офтобидан ёруг, Ўзбекистонним!

Сен, зафар таронаси, бунчалар мароқлисан,
Дориламон кунларга ярашиқ-яроқлисан,
Энг мўътабар минбардан сўз айтмоққа ҳақлисан,
Хушхон, булбулигўё, шоиру суҳандонним,—
Завол билмас чаманим, бор бўл, Ўзбекистонним!

Анвар ИСРОИЛОВ.

«ГАНГА»га МАРҲАМАТ

Пойтахтнинг Аҳмад Дониш ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчалари муюлишидаги тўққиз қаватли бино пештоқида рус, ўзбек ва ҳинд тилларида ёзилган «Ганга» сўзлари олисдан кўзга ташланади. Республикамиз, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикасининг байроқлари ҳилпираб турибди. «Таштекстильшвейторг»га қарашли ихтисослашган янги магазин ана шу ерга жойлашган.

Куни кеча «Ганга» биринчи харидорларни қабул қилиб олди. Магазиннинг қўш қаватли икки савдо зали бор. Унинг умумий майдонининг квадрат метр. Бино ичи ва сиртини чиройли қилиб безашда ўзбек наққошлари, москвалик рассом-декораторлар кўп иш қилдилар. Савдо шохобчасининг атрофлари кўкаламзордаштирилиб, хилма-хил гуллар, яшил буталар ўтқазилди.

Магазиннинг тўртта секциясида қиррқа яқин сотувчи харидорлар хизматида бўлади. Меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжини ўрганувчи стол ҳам ташкил қилинди.

Москвадан сўнг республикамиз пойтахти Тошкентда очилган «Ганга» магазини кундан-кун ривожланиб бораётган Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигининг рамзи бўлиб қолади.



Суратда: янги магазинда савдо пайти.

А. Абалян фотолари.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ТИНЧЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАРАКАТИ

ДОРТМУНД. «Атом ажали ҳаммамизга таҳдид қилмоқда! Европада ҳеч қандай ядро ракеталарига йўл қўйилмасин!» — Бир йил муқаддам юзага келган «Крефельд хитобномаси»нинг жуда катта транспарантга ёзиб қўйилган ана шу шиори Дортмунддаги «Вестфаленхалле» биносини безаб турибди. Бу ерда «Крефельд хитобномаси» тарафдорларининг иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Ҳозиргача ГФРнинг гоят хилма-хил сиёсий эътиқодга амал қилувчи 1,5 миллиондан кўпроқ граждани хитобномага имзо чекди.

(ТАСС, 23 ноябрь).

ТУҲМАТ-БЎХТОН КАМПАНИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 ноябрь. (ТАСС). Қўшма Штатларда суверен Ливияга қарши яна душманлик кампанияси авж олдирилмоқда. Чунончи Эн-Би-Си телекомпанияси гўё ҳозирги Америка маъмуриятига қарши «Ливия фитна тайёрламоқда» деган ғиғвогарлик хабарини тарқатди. Телекомпания Ливияга қарши жазавани авж олдириб, кейинги ҳафталарда президентни, вице-президентни, давлат секретари ва мудофаа министрини қўрқиқлаш анча кучайтирилганлиги тўғрисида хабар қилди. Шуниси диққатга сазоворки, маъмурият оммавий ахборот воситалари авж олдираётган Ливияга қарши ашаддий туҳмат-бўхтон кампаниясини йўллаб турганлиги ва рағбатлантираётганлиги яққол кўриниб турибди. Эн-Би-Синнинг сўзларига кўра, «маъмурият вакиллари буларнинг ҳаммасини рад этаётганлари йўқ, аммо бирон-бир тафсилотларни муҳокама этишдан бош тортмоқдалар».

Ливиянинг қандайдир «агрессив ҳаракатлари» тўғрисидаги шов-шув ниқоби остида жаҳон жамоатчилигининг эътиборини Вашингтоннинг мустақил Ливия режимининг барқарорлигини кўпориш ва Ливия революциясини тугатиш йўлидаги уринишларидан чалғитишга қилинаётган ошкора ҳаракат яққол кўриниб турибди.

ВАШИНГТОНнинг Сальвадор реакцион режимини ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаши Америка жамоатчилигининг ғазабини қўзғамоқда. Суратда: Сан-Францискода оммавий намойиш пайти.

АП — ТАСС фотоси.

КЕНЖА РАЙОН ОБОДОНЛАШМОҚДА

Пойтахтдаги кўпгина районлар ўзининг шонли тарихига эга.

Кенжа район — Акмал Икромов районининг маркази ҳам яқин келгусида бу хил бадиий безаклар, архитектура ансамбллари билан янада кўркамлашади. Фарҳод ва Ҳамроқул Турсунқулов кўчалари оралиғида А. Икромов номи билан аталмиш катта майдонни барпо этишга киришилди.

С. ОДИЛОВА.

Ғалаба районидаги Ленин номли колхозининг маданият саройида яқинда қишлоқ меҳнаткашларининг пойтахтимиздаги ёзувчи ва шоирлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Таниқли адиб Шуҳрат колхоз меҳнаткашларни ҳузурига меҳмон бўлиб келган ёзувчи ва шоирларни таништирди. Улар — Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати Раим Фарҳодий, шоир ва драматург Машраб Бобоев, корейс ва рус тилларида ижод қилувчи шоир Дигўк Угай эдилар.

Мушоира бошланади. Шоирлар пахтакор жасорати, бободеҳқон меҳнатини шарафловчи шеърлар ўқийдилар. М. Бобоев ғалабалик машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймоновга аталган «Деҳқон» ва «Номи чиқмаган қизларга» каби шеърларини ўқиб берди. Д. Угай эса тўпланганлар эътиборига «Қондош ака-укалар», «Корейс қиз» шеърларини ҳадя қилди.

Р. Фарҳодий ўқиган «Аёл», «Насриддин Афанди ҳақида» каби юмористик шеърлари катта қизиқиш билан тингланди.

Китобхонлар Шуҳратнинг қатор роман ва қиссаларини, ажойиб шеърларини севиб мутолаа қиладилар. Адиб қишлоқ меҳнаткашларига янги муваффақиятлар тилаб, тўпланганларга ўзининг бир туркум янги шеърларини ўқиб берди.

Н. ЎТЕГЕНОВ.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Редактор Н. НАСИМОВ.

БУ ГАПЛАРДА ҲИКМАТ КЎП

ВАҚТИНГИЗ ЧОҒ БЎЛСИН...

● Жисмоний соғлиқ учун энг аъло даво руҳий бардамлик ва хурсандликдир.
Х. БОСТРРЕМ.

● Қувноқ кишилар тез соғаяди ва узоқ яшайди.
А. ПАРЕ.

● Кўриш ва тушуниш қувончи табиатнинг одамга ато этган энг азиз инъомидир.

● Ҳар қандай тунд одам бўлса ҳамки, унга ақалли бир мартагина бўлсалм чин кўнгилдан кулиш насиб этса бахтиёр бўлади.
А. ЭЙНШТЕЙН.

● Киши хурсанд экан, ўзини тетик сезади.
Д. ЛЕББОК.

● Хушвақтлик ва тетиклик фақат ҳаётнй маншаларининг асоси бўлиб қолмай, мижозининг ҳам қудратли посбонидир.

● Хурсандчиликнинг асосий сири арзимаган нарсадан хафа бўлмасликда ва шунингдек, кичкина мамнуниятларга ҳам бепарво бўлмасликда.

● Хушвақтлик дам олишнинг ўзгинасидир.
С. СМАИЛИС.

● Шодликни кутишнинг ўзи ҳам шодлик.
Г. ЛЕССИНГ.

● Агар одам яхшилик кутмаса ҳаёт кечиролмайди. Киши эртанги шодлик учун яшайди.
А. С. МАКАРЕНКО.

● Дилшодлик, яхши ният, истак — ҳақиқий бахт. Хаотирлик ва хомушликка мойиллик бахтсизликнинг ўзгинасидир.
Д. ЮМ.

● Хушфеъл ва босиқ одам ҳеч вақт инфаркт ва фалаж бўлмайди.
З. ЯНУШКЕВИЧУС.

● Хушчақчақлик олижаноб фазилатдир.
Ф. А. ДОСТОЕВСКИЙ.

● Кулиб турган киши ёмон фикр юргазмайди.
А. МИЦКЕВИЧ.

● Маънавий соғлом кишигинз дилдан кула билади.
М. ГОРЬКИЙ.

● Юмор ҳаётнй тўқиларнинг жонбахш истеҳкомидир.
РААБЕ.

● Кулги ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш йўлида кўпинча буюк воситачи вазифасини адо этади.
В. БЕЛИНСКИЙ.

● Ҳазил-мутойибасиз одамни нарранданинг ўрмонга қиёс этса бўлади.
А. ФРАНС.

● Юмор ҳиссиётини қадрлаш, равнақ топтириш ва авайлаб асраш керак. Бу инсон ҳаётининг энг қийин дақиқаларида малҳам берувчи ҳаётбахш малҳамдир.
С. МИХАЛКОВ.

● Ишжа берган киши тентакдир, ҳанда нима эканлигини билмаган киши бахтсиздир.
ТОЖИК МАҚОЛИ

● Шодлик, хуррамлик бамисоли осмондир, унинг тагида жаҳлдан бошқа ҳамма нарса гуллайди.

● Сен ўзингни руҳан яхши ҳис қилсанг, яъни очилиб кулиб юрсанг бу сенинг яқин кишиларингга кўрсатган марҳаматинг бўлади.
ШАРҚ ДОНИШМАНДЛАРИ СЎЗИДАН.

● Хурсандчилик, ўзини тиз билишлик ва осойишталик бор жойда шифокорга муҳтожлик бўлмайди.
НЕМИС МАҚОЛИ.

● Қувноқ кишн бамисоли қуёш, қаерга келса нур сочади.
ТУРК МАҚОЛИ

Тўпловчи З. Эгамбердиев.

КОМПЛЕКС ТАДҚИҚОТЛАР

Радиоэлектроника замонавий фан сифатида тез ривожланмоқда. Бу соҳа бўйича яратилган техникавий қурилмалардан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда. Ана шу муҳим проблема республикамиздаги қатор институтлар томонидан ижодий ҳал этилмоқда. Шу мақсадда илмий-техника ҳамкорлиги бўйича махсус шартнома тузилди.

Мазкур муҳим тадқиқотни амалга оширишда Тошкент электротехника алоқа институти билан бирга Москва Давлат университетининг инрик мутахассис олимлари катта фаолият кўрсатишади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро-физикаси илмий-текшириш институтида ҳам ушбу проблема юзасидан жиддий кузатишлар олиб борилади.

А. АЛИЕВ.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

СЎЛ КУЧЛАР БИРЛАШДИ

Шу йил 6—7 ноябрда Мехикода Мексикадаги бешта сўл сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг Миллий бирлаштирувчи Ассамблеяси бўлиб ўтди. Унинг мақсади сўл кучларни ягона революцион партияга бирлаштиришдан иборат эди. Бешала партия ва ташкилот қўшилиши натижасида мамлакатда янги сиёсий ташкилот вужудга келди. У Мексика Бирлашган Социалистик Партияси (МБСП) номини олди.

Мексика Коммунистик партияси, Мексика халқ партияси, революцион Социалистик партия, Социалистик Бирлик ва Ҳаракат аъзолари ва Халқ Ҳаракати аъзолари вакилларидан иборат бўлган Ассамблеянинг мингга яқин делегатлари сўл сиёсий кучларнинг бирлашиш жараёни қандай бораётганлиги тўғрисидаги докладчи, Мексика Бирлашган Социалистик партияси принциплари, декларацияси, программаси ва устави лойиҳаларини маъқулладилар. Мазкур программа ва устав лойиҳалари 1982 йил февраль ойида янги партиянинг бўлажак I съездида муҳокамага қўйилади.

Ассамблея партиянинг Вақтли Марказий Комитетини сайлади. Унинг составига 90 киши кирди. Улардан 28 нафари Мексика Компартиясидан, 28 нафари Мексика Халқ партиясидан, 12 киши Революцион Социалистик партиядан, 9 киши Социалистик Бирлик ҳаракатидан ва 11 киши Халқ Ҳаракатидан эди.

Марказий Комитетнинг кейин бўлган мажлисида МБСП Сиёсий Комиссияси сайланди. Унинг составига ҳар бир партия ва ташкилотдан 4 тадан вакил кириб, 20 кишини ташкил этди.

Янги партиянинг эмблемаси — Ўроқ ва Болта, гимни «Интернационал», байроғи — Қизил байроқдир. МБСП ўзига «Демократия ва социализм учун» шиорини қабул қилди. (Маълумки, Мексика Коммунистик партиясининг шиори «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» эди).

Шундай қилиб, Мексика сўл сиёсий партиялари ва ташкилотларини бирлаштиришнинг биринчи босқичи тугади. Бу иш шу йил 15 августда бошланган эди. Ўша куни юқоридаги партиялар ва ташкилотлар ягона революцион партияга бирлашишга қарор қилганликлари тўғрисидаги Декларация оммалаштирилган эди.

Ассамблея расмий ёпилгандан сўнг 7 ноябрь куни МБСПдан мамлакат президенти лавозимига номзод сайланди. Президент келгуси йил 4 июлда умумий сайловларда сайланади. Ассамблеянинг ҳамма делегатлари иштирок этган яширин овоз бериш натижасида кўпчилик овоз билан Мексика Компартияси Марказий Комитетининг Бош Секретари Арнольдо Мартинес Вердуго сайланди.

Ассамблеяда сўзга чиққан Арнольдо Мартинес Вердуго айтдики, ягона революцион партияни тузиш тўғрисидаги сўл кучларнинг қарори бундан буён Бирлашган Фронтни шакллантиришга қаратилгандир. Бу фронт мамлакатда сиёсий ва социал иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш учун кенг халқ оммасининг курашига бошчилик қилади.

А. Мартинес Вердуго ҳозирги воқеалар қатта тарихий аҳамиятга эга, улар мамлакатдаги бутун ишчилар ҳаракатига чуқур таъсир ўтказади, деб таъкидлади. Шунингдек, у Мексикада сўл сиёсий кучларнинг бирлашиш жараёни мураккаб ва кескин халқаро вазиятда ўтаётганлигини айтди. Бундай халқаро вазият Қўшма Штатлар қуролланиш пойгасини авж олдираётганлиги, президент Рейган «совуқ уруш» даврини қайта тиклашга урунаётганлиги билан ҳарактерланади. Америка маъмурларининг милитаристик сиёсати бутун дунёни катта хавф ёқасига олиб келмоқда.

Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари янги партия Никарагуа революцияси билан бирдам бўлишини, Сальвадор халқи ва бу мамлакатдаги барча революцион кучларнинг, адолатли курашини қатъият билан изчил қўллаб-қувватлажагини айтди. Янги партия деб яна таъкидлади у, Гватемала ватанпарварлари ҳамда Лотин Америкасидаги бошқа барча прогрессив демократик кучларнинг курашини қўллаб-қувватлайди.

Х. УМАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз сиёсий шарҳловчиси.

АНАТОЛИЙ КАРПОВ ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Атоқли совет гроссмейстери Анатолий Карпов жаҳон шахмат чемпиони унвонини сақлаб қолди. Бу унвонни биринчи бор 1975 йилда қўлга киритган А. Карпов 1978 йилда Корчной билан бўлган матчда ҳам ғолиб чиққан эди. Энди А. Карпов яна, бу сафар 6:2 ҳисобида уни маглубиятга учратди.

Анатолий Карпов 1951 йил 23 майда Челябинск областининг Златоуст шаҳрида туғилди. Етти ёшида шахмат ўйнашни ўрганиб, тез орада катта истеъдодини курсатди. 1966 йилда у шахмат мастери, 1969 йилда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ва халқаро мастер, яна бир йилдан кейин эса гроссмейстер бўлди.

1975 йил апрелида Карпов дунёда 12-жаҳон чемпиони деб эълон қилинди. Бундан аввал ҳам зўр маҳорат кўрсатиб келган Анатолий кейинги йилларда ҳам жуда катта муваффақиятларга эришди. У жуда кўп турнир-туман мусобақаларда, шу жумладан «Супертурнир»ларда ғолиб чиқди бутун ана шу вақт ичида у камдан-кам ўйинларда ютқазди.

Анатолий Карпов айни вақтда Ленинград университетининг иқтисодий факультетини имтиёзли диплом билан тамомлашга муваффақ бўлди (ҳозир у Москва университетининг иқтисодий факультетида илмий ходим бўлиб ишламоқда). У уйланган, Анатолий исмли икки яшар ўғли бор.

Жаҳон чемпиони ҳар йили шахмат журналистлари халқаро уюшмаси томонидан йилнинг энг яхши гроссмейстерига берладиган фахрий совриН — шахмат «Оскари»ни етти марта олишга сазовор бўлган.

Жаҳон чемпиони шахматга онд бир неча китоб ёзган. Бундан ташқари Карпов — «64- шахматное обозрение» деган оммавий совет журналининг бош редактори.

Мераноданги матчдан кейин Англия ва Югославиядаги турнирларда қатнашмоқчи эканини жаҳон чемпиони матч давомидаёқ журналистларга айтган эди.

В. БАБКИН, (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

176-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсал, транторчи-синовчи (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), техника контролери бўлими контролери (қизлар қабул қилинади), электр нўприли кранларнинг машинисти (қизлар қабул қилинади), дурадгор. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил;

электр-газ пайвандловчи (дипломли), электрокара ихтисослиги билан автослесарь (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), автослесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, слесарь-асбобсоз. Ўқиш муддати — 3 йил;

электр пайвандловчи, штамповкачи, бўёқчи-сувақчи. Ўқиш муддати — 6—10 ой.

6—10 ой муддат билан ўқийдиганлар стипендия оладилар. Таълимнинг 3 йиллик муддати билан ўқитиладиган группаларда ўқийдиганларга ўрта махсус маълумот тўғрисида диплом берилади.

Барча ўқувчилар бепул овқат билан таъминланадилар.

3 йил ўқийдиганлар эса кийим-кечаклар билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидаги шинам жиҳозланган ётоқхоналардан жой берилади.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини берадиган йўлланма билан ўқишга юборилади. Қолганлар эса исталган олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлимларига, шу жумладан Тошкент политехника институтининг Трактор заводи қошидаги кечки факультетига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини оладилар.

Билим юртида техника иқтисодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фототўгараклар, спортнинг 14 тури бўйича спорт секциялари, Чўрвоқ сув омбори атрофида ёзги дам олиш базаси ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, ота-онасининг аризаси, 6 та фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Трактор заводининг биринчи массиви (1-«э», 16, 24-автобусларнинг охирги бекати). Телефонлар: 64-69-42, 64-69-40.

ТЕЛЕВИДЕНИ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.50 — Эрталабки гимнастика. 10.15 — Усмирлар ижоди. 10.45 — Сенинг фарзандинг, Ер! Бадиий фильм. 1-серия. 11.50 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — Бил ва уддала. 17.00 — Объектив. 17.30 — Халқ оҳанглари. 17.45 — «Мураббий» телевизион журнал. 18.15 — Ешлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қалбга яқин қўшиклар. 20.15 — Подмосковье бўйлаб. 20.25 — Сенинг фарзандинг, Ер! Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Фан оламида. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Р. Штраус. «Дон Жуан» симфоник поэмаси.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.05, 12.05 ва 17.00 — Француз тили. 10.35, 11.35 — Физика. 11.05 — Астрономия. 12.40 ва 13.45 — Ботаника. 13.00 ва 17.30 — Шахмат мактаби. 13.30 — Илмий-оммабоп фильм. 14.05 — В. Гюго. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.

Ўқитувчи экрани

15.05 ва 15.25 — Табиатшунослик. 15.45 — Тарих. 16.15 — Вс. Вишневский. Ҳаётбахш ўлим. 19.30 — Сиёсий шарҳловчи суҳбати. 20.15 — Ҳужжатли фильмлар. 20.55 — Концерт. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.15 — Кутишга вақтимиз йўқ. Бадиий фильм.

ЎзТВ-I

18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — Қизиқарли учрашувлар. 19.10 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳаёт мактаби. Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 20.05 — Кечки концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётда! 22.30 — Муҳаббат ва нафрат. Бадиий фильм.

ЎзТВ-II

18.10 — Телефильм. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Ўрток бригада. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — МТ-IV.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24-XI да Қолинлар кўзголони, 25-XI да Оқ танилар (16.00), 26-XI да Оқ танилар (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25-XI да Олмита (16.00, 19.30), 26-XI да Ўжарлар (15.00, 19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325554. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06677 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1765. 4